

**Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!**

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2014-yil 16-avgust, shanba  
№ 64 (15806)

**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ  
СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВИНГ  
ХИТОЙ ХАЛҚ  
РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ  
ТАШРИФИГА ДОИР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг тақлифига биноан 2014 йил 19-20 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Хитой раҳбарияти билан учрашувлар чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи муҳокама этилиб, Ўзбекистон ва XXР ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашилади. Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқадилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Кўшма декларация қабул қилиш, Ўзбекистон ва Хитойнинг турили соҳалардаги ҳамкорлигини изчил ривожлантиришига қаратилган хукуматларро ва бошқа қатор хужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

## «Истиқлол фарзандлари» — эътибор Ва эътироф намойиш

Пойтахтимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивали якунланди.

Ҳар тўрт йилда бир маротаба бўладиган ушбу иирик тадбирни ёшлар интиқлиқ билан кутади. Ахир, ҳаётимизда рўй берадиган ўзгаришлар, кўлга киритилаётган ютуқлар йилдан-йилга янгиланмоқда. Уларнинг аксарияти, табиийки, ёшлар билан боғлиқ. Чунки Ўзбекистон том маънода ёшлар мамлакати. Мустақиллик йилларида ютимизда вояга етган баркамол авлод бугун ўзига ишонч билан келажак сари илдам қадам кўймоқда.

Ёшлар фестивали энг иқтидориларни бирлаштириди. Давлат мукофотлари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари, Президент стипендиатлари, халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобакалари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари совиндорлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг турли лойиҳаларидағо болиб бўлган ёш олимлар, тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар — жами 250 нафарга яқин йигит-қиз тўрт кун давомимида пойтахтда меҳмон бўлди.

Ватанга муҳаббат, фидойилик ҳиссими қалбига жо этган бу ёшларнинг ҳар бири мустақил фикрга, қатъий фуқаролик позицияси ва мустаҳкам ҳаётий эътиқодга эга. Улар дунёни кўрган ва шу билан бирга, дунё ҳам уларнинг кўпчилигини таниган ва тан олган. Муҳими, ҳар бирининг ортида шаҳару қишлоқларимиздаги минг-минглаб ёшлар турибди. Шу маънода, фестиваль иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлиси, Олий суди каби давлат бошқаруви органлари вакиллари билан бўлган мuloқotларда, аввало, ёшлар манфаатлари юзасидан фикр алмashi.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви Академиясига меҳмонлар тасодифан таклиф этилгани йўқ. Зоро, айни кунда улар ютимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Келгусида эса демократик ислоҳотларни чукурлашириш йўлида давлатимиз, биринчи навбатда, шу ёшларга таянади. Демак, истиқлол фарзандларининг сиёсий, хукукӣ билимларини ошириш долларб масала.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника ва Халқаро Вестминстер университетлари билан танишув ҳам ёшларда катта таассусот қолдириди. Ютимизда олтита ана шундай нуфузли хорижий таълим мусассаси фаолият олиб боришининг ўзи таълим сифатига қаратилаётган юксак

эътибордан далолат беради. Ўзбекистондаги хорижий таълим имкониятлари фестиваль қаҳрамонлари учун «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз, кам бўлмаймиз ҳам!» сўзларида мужассам ҳақиқатни яна бир бор намоён этиди.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтган гала-концерт ўзбекистонлик ёшлар она Ватанини қанчалик севиб-ардоқлашини кўрсатди. «Туркiston» саройининг ёзги саҳнасида мумтоз ва эстрада наволарию оркестр ижросидаги симфоник мусиқа на муналари янгради. Миллий ва замонавий йўналишдаги ракслар, ёш талантларнинг ёрқин чиқиши томошабинни бефарқ қолдириди. Бироқ дастурдаги энг кутилмаган ҳолат бу эмас. Хорижда таълим олаётган ёшларимиз дунёнинг турли мамлаатларидан туриб телекўприк орқали Ўзбекистондаги тенгдошларига йўллаган байрам қутловлари бутун зални жумбушга келтириди. Мана сизга ахиллик! Мана сизга бир бўлиб Ватан ва миллатга дахлдорлик туйғуси билан яшаш!

Фестивалнинг охирги кунида ёшлар «Бунёдкор» стадионида «Эл-юрт ҳурмати» ордени, «Ўзбекистон ифтихори» узвони соҳиби, ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан жонли мuloқot қилдилар.

4-, 5-бетларга қаранг



Kim edigu kim bo'ldik?

# Булар огдий ракамлар эмас...

Бирор мамлакат ҳақида гап кетганда унинг халқаро миқёсдаги ўрни, муайян кўрсаткичлар бўйича дунёда неchanчи поғонада туриши тилга олинади. Бу ўша давлатнинг салоҳиятини, ривожланиш даражасини кўрсатади.

Собиқ тузум даврида шундай маълумотларни ўқиганимизда, эшитганимизда хорижий давлатларнинг тараққиётiga қойил қолардик. Ўзбекистонимизни ҳам уларнинг сафидан жой олишини орзу қиласардик.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Мамлакатимиз биз орзу қилгандек бир неча соҳаларда илфор давлатлар даражасига кўтарили. Нуғузли халқаро ташкилотлар, статистика қўмиталари ва эксперталар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб жабҳалардаги натижаларни юқори баҳоламоқда.

Яқинда Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги давлатларро статистика қўмитаси минтақа мамлакатларининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ривожланиш кўрсаткичларини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охирги ўринларда турарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодиёт таркиби тубдан ўзгартирилди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, замонавий саноат корхоналари ташкил этишга киришилди. Тараққий топган мамлакатлар, машҳур компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Бугун юртимизда юксак технологияларга асосланган кўплаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Уларда кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Халқимиз эҳтиёжи тўлиқ мамлака-

тимизда ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобидан қопланмоқда. Юқори сифатли, ракобатбардош маҳсулотларимиз ички бозорни тўлдиришиб билан бирга экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Кўп эшитганимиз: илгари юртдошларимиз мабодо чет элга бориб қолса, Ўзбекистонни билмаган хорижилклар «у ерда нималар бор», деб сўрар экан. Ҳамма биринчи навбатда «пахта» деб жавоб бераркан. «Яна-чи» деб сўраб қолишса, юртдошларимиз тайинли гап тополмай, мавзуни бошқа томонга буаркан.

Бугун мамлакатимизни ҳамма танийди, муваффақиятларимизни тан олмоқда, тўғрироғи, тан олишга мажбур бўлмоқда. Энди чет элликлар Ўзбекистонда нималар бор деб эмас, нима йўқ, деб сўраса, тўғрирок бўлади.

Жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган хорижлик меҳмон бир ҳамкасбимиздан юртингизда нима ривожланган, деб сўради. Шунда у Ўзбекистонда инсон манфатларига этибор, одамлар учун зарур ҳамма нарса бор, деб жавоб берди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун мамлакатимизда инсон учун зарур барча нарса мухайё. Дастроҳонимиздаги ноз-неъматлар, эгнимиздаги кийим-кечак, оёғимиз остидаги машина — барча-барчаси юртимизда ишлаб чиқарилмоқда. Авваллари оддий гугурт ёки кундан

лик ош тузини ҳам четдан келтирган Ўзбекистон бугун замонавий автомобиллар, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлар, кенг турдаги маший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Юртимизда дунё миқёсида ҳам ноёб саналган йирик саноат комплекслари бунёд этилаётir.

Биргина Устюрт газ-кимё мажмуаси нуғузли халқаро нашрлар, етакчи эксперталар томонидан бир неча бор йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб этироф этилди. 2014 йил 13 марта яна бир халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» мукофоти билан тақдирлади.

2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ҳамда ишлаб чиқарishни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларнинг изчил амалга оширилиши натижасида юқори қўшимча қийматга эга, ракобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарilaётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи ана шу тармоқлар хиссасига тўғри келмоқда.

2013 йилда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизни, қурилиш материаллари саноати 113,6, енгил саноат 113 ва озиқ-овқат саноати 109 фоизни ташкил этгани ҳам мам-

лакатимиз саноати ривожини намоён этади.

Энди айтинг, агар мамлакатимиз мустақил бўлмаганида, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқариш, жумладан, саноатни ривожлантиришга эътибор қаратилмаганида бундай натижалар бўлармиди?! Юртимизнинг энг кичик туманларидан бири — Асакани дунё танирмиди?! Қорақалпоғистоннинг олис бурчидаги дунёдаги ноёб завод қурилармиди?! Мустақиллик туфайли юртимиз салоҳияти юзага чиқди. Бир пайтлар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа билан қараганлар бугун ютуқларимизни тан олмоқда, биздан ўрганмоқда.

Албатта, бундай улкан натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Ҳеч нарса ўзидан ўзи осмондан тушмайди. Бу рақамлар замирида оқилона иқтисодий сиёсат, тинимиз мөхнат ва қатъият мужассам. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мардлиги ва матонати эвазига қўлга киритиллаётган, бутун дунёда эътироф этилаётган мэрралардан ҳар қайсимиз фарҳланиб, бўшишимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз. Бундай муваффақиятларнинг барқарор ва бардавом бўлиши учун танлаган йўлимизда сибита-дам бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз жоиз. Чунки унинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам ўзимизники. Шу азиз Ватан — барчамизники!

**Анвар САМАДОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси**

Mujda

## Наманган «Ёшлар маркази» — яна ғолиблар сафирида

Наманган «Ёшлар маркази» 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Маъжлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятиниң бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фондининг грант танловида иштирик этиб, «Мустақам оила — жамият тараққиётни пойдевори» мавзудаги лойиҳаси ғолиби сифатида 14 миллион сўм грант маблагини кўлга киритганди.



Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Ҳаракатнинг вилоят кенгаси, адлия, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Ўзбекистон мусулмонлар идораси вилоят вакиллиги, «Махалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Психологлар ассоциацияси вилоят бўлимлари ва Наманган

давлат университети билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Лойиҳа доирасида бўлажак келин-куёвларни оиласави ҳаётга тайёрлаш, уларда соғлом турмуш тарзи ҳамда репродуктив саломатлик

қўниқмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида эрта ва қариндошуруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Соғлом бола йилида Наманган

«Ёшлар маркази» Ўзбекистон Республикаси Олий Маъжлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятиниң бошқа институтларини кўллаб-куватлаш Жамоат фонди эълон қилган яна бир танловда «Соғлом бола — миллат таянчи» номли лойиҳаси билан ғолиб бўлди ва яна 14 миллион сўмлик грантни қўлга киритди.

Мазкур лойиҳа «Соғлом бола йили» давлат Даствури ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 6 февралда имзолаган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилған қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ёш авлодни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик каби иллатлар ва уларнинг аянчли оқибатларидан ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятилди.

Унинг доирасида амалга ошириладиган маънавий-маърифий тадбирлар ҳақидаги маълумотлар Марказнинг расмий веб-сайти — natyom.uz га жойлаштирилди ва 20 мингдан ортиқ ёшли қамраб олиши кўзда тутилган.

**Хожиакбар ПАТТАЕВ,  
Наманган «Ёшлар маркази»нинг  
«Соғлом бола — миллат таянчи»  
войиҳаси раҳбари**

Obod manzillar

# Орзулар ушалганда...

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг зафар ва муваффақиятларини мамлакатда гўзал иморатлар куриш билан нишонлаганига тарих гувоҳ. Мана шу хайрли анъана юртимизда истиқлол йилларида яна давом эттирилмоқда. Шахару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшаётган, замонавий ва миллий архитектурасиз уйғунлашган бетакор иншоотлар фикримизнинг исботи бўла олади. Айниқса, ҳар йили мустақиллик тантаналари арафасида фойдаланишга топширилаётган спорт мажмуалари, майшний хизмат кўрсатиш обьектлари, бир-биридан ажойиб санъат саройлари ва дам олиш масканлари бунёдкор халқимизнинг энг улуф ва энг азиз байрамига муносиб совфаси бўлмоқда.

Шариф шаҳарни улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айлантириб юборган бухороликлар ҳам бу йилги байрамга ўзига хос тўёна ҳозирлашган. «Кўхна ва бокий Бухоро» мажмусининг ҳайрати ҳали кўпчиликни тарк этмай туриб, қўлигул курувчилар янги хиёбон барпо қилиш билан қадимиш шаҳар овозасини янада кенгрок ёймоқда.

Азим пойтахтимизда меҳмон бўлиб, у ердаги фаввораларга ҳаваси келган бухороликларнинг «Қанийди, бизда ҳам шунақаси бўлса» деган орзулари амалга ошяпти. Ана шундай ҳамشاҳарларимиздан бири Шарифа Бобо-

муродова хурсандчилигини шундай баён этади:

— Ҳар куни ишхонага йўл оларканман, шу қурилиш ёнидан ўтаман. Ҳар гал ҳайратим минг карра ошади. Бир кунда шунча ўзгариш бўлганига ишонгим келмайди. Баъзан фавворалардан отилиб, чироқлар ёғудусида жилваланадиган мусаффо сув томчиларининг гўё куй қанотида осмонга кўтарилишини, сал ўтмай, яна чироқлар кўзгусига ўзини тутиб, мармар ҳовузга тушишини хаёлан тасаввуримда жонлантираман. Юрагим ҳапқириб кетади. Она шахримнинг гулгун бағрида шундай мўъжиза пайдо бўлиши ва буни

қўриш менга насиб этаётганидан ўзимда чексиз ифтихор хиссини туман.

Қурилиш ишлари деярли битиб қолди. Айни пайтда Бельгия давлатидан келтирилган юз тупдан ортиқ кўчат шаҳар иклимига мослаштирилмоқда. Фавворалар атрофида бунёд этилиб, шарқона ўймакор нақшлар билан безатилган ўриндикили олтига айвон дам олувчилар хизматига шай.

Хиёбон қурилишида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига жалб қилинган ёшлар кўмаклашашётганини, катта бунёдкорлик ишига ҳисса қўшаётганидан баҳтиёр ҳолда қўлни қўлга бериб ишлаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Меҳнаткаш қурувчилар ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига тухфа бўлган хиёбоннинг барпо этилишига ҳисса қўшаётгандаридан бениҳоя баҳтиёр. Бухоро аҳли эса юртимиз тўйига тўёна — янги хиёбонда ҳар томчисида озодлик шукронаси жилваланаётган муҳташам фавворалар кўйи асло тинмасин, деб ният килмоқда.

**Лайло ҲАЙИТОВА,  
«Turkiston» мухбири**



Ko'rgazma

## Суратларда инсон қадри намоён

Пойтахтимиздаги Икуо Хирайма ҳалқаро маданият карвонсаройида фоторассом Назира Боймуродованинг «Элда қадр топганлар...» номли фотокўргазмаси очилди.

Назира Боймуродова Жиззах вилоятининг Пахтакор шаҳрида тугилган. Болалигидан адабиёт ва санъатга ихлос қўйди. Мактабда ўқиб юрган даврларида шеърлар ёза бошлади. Вилоят ва республика нашрларида жамоатчи мухбир сифатида фаолият олиб борди. Унинг «Энди фақат кулиб яшайман» шеърий тўплами нашрдан чиқкан.

Назира нафақат журналистика, фотосанъати йўналишида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. 2013 йилда «Шу Ватанга бордир менинг керагим» шахсий фотокўргазмасини тақдим этди.

Бу галти фотокўргазма элизимиз ардогидаги инсонлар, маданият ва санъатимиз дарғаларига бағишиланди. Экспозициядан олим ва педагоглар, журналист, ёзувчи ва шоирлар, юртимиз байробини ҳалқаро майдонларда баланд кўтариб келаётган спортчилар, ёш ижодкорлар, актёр ва режиссёrlарнинг портретларидан иборат олтмишдан ортиқ асар жамланган.

Фотокўргазма доирасида адабиёт, санъат ва маданият намояндларни иштирокидаги ижодий учрашув бўлиб ўтди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

«Bunyodkor — 2014»

## Ўз юртингда ишлаш гашти

Бухоро мұхандислик-технология институтининг янги беш қаватли ўқув-лаборатория биноси қурилиши жадал давом этмоқда. Бино қурувчиларида мазкур олий таълим муассасасининг «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари яқиндан ёрдам бераётir.

— Бу ерда самарали меҳнат қилишимиз учун барча зарур шароит яратилган, — дейди талаба Абдурауф Отамуродов.

— Меҳнатимизга яраша ҳақ оляймиз, янги дўстлар ортирияпмиз. Бир сўз билан айтганда, таътил ҳар томонлама фойдали ва мазмунли ўтмоқда.

Институтнинг эллик нафардан иборат яна бир «Бунёдкор» гурухи Бухоро шаҳрида барпо этилаётган «Камолот уйи» қурилишида иштирок этаётir.

Ёшларнинг бўш вақтини фойдали меҳнат билан банд этиш мақсадида ташкил этилган бундай гурӯхларга нафақат олий ўқув юртлари талабалари, балки вақтинча ишсиз ёшлар ҳам ихтиёрий равишда жалб этилган. Улар жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишларида, намунавий уй-жойлар қурилишида қатнашмоқда.

— Малакали қурувчисан, хорижда катта миқдорда пул топшишинг мумкин, дея мени йўлдан уришга уринганлар ҳам бўлди, — дейди қоровулбозорлик Акмал Ахроров. — Мен кўнмадим. Қаранг, туманимизда шундай катта қурилишлар бўлмоқда. Бунга шу ернинг забардаст йигитлари ҳисса кўшмаса, фаоллик кўрсатмаса бўладими? Энг асосийси, ўз юртингда эмин-эркин меҳнат қилиб, бошингни баланд кўтариб, фаровон яшашга нима етсинг.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши бўлими мудири Шоҳида Раҳматованинг айтишича, бугунги кунда вилоятдаги қурилиш ва ободончилик обьектлари ҳамда фермер хўжаликларида бир минг 300 нафарга яқин йигит-қиз самарали меҳнат қилмоқда.

**Э. ЁДГОРОВ,  
ЎЗА мухбири**



Ta'limgaraqchiyoti



# «Болажон» дастури амалда

Бунга болаларни мактаб таълимiga тайёрлашда юқори натижаларга эришилаётгани, 6-7 ёшли болаларга чет тиллари чуқур ўргатиллаётгани асос бўляпти. Инглиз тили бўйича тўғарак раҳбари Муяссархон Исмоилованинг иш фаолияти туманда оммалаштирилиб, соҳа мутахассислари учун семинарлар, очиқ машғулотлар ўтказгани ва у яратган ўкув қўлланма ҳудудда мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатиш учун дастурларни билан ҳизмат қилаётгани ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир. Муассасада, асосан, олий маълумотли кадрлар фаолият олиб бормоқда ва бу болаларга таълим-тарбия бериш жараёни самарадорлигини таъминлашнинг мухим омили бўляпти.

Иш тўғри йўлга қўйилгани натижасида муассаса уч йилдан бўён «Энг обод таълим масакани» танловида вилоят миқёсида биринчилик-

ни қўлдан бермай келяпти. «Йил тарбиячиси» кўрик-танловида Дилфузга Нуриддинованинг туман шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 2-уринни қўлга киритгани ҳам муассаса тарбиячиларининг ютуғидир.

— Мақсадимиз, тарбияланувчиларни ҳар жиҳатдан етук, соғлом қилиб шакллантириш, — дейди муассаса раҳбари Муҳтасархон Ҳайдарова. — Бу ўта масъулиятли ва шарафли вазифани бажаришга педагогик жамоамизнинг ҳар бир аъзоси сидқидилдан ҳисса қўшяпти. Чунки соғлом болани, соғлом авлодни тарбиялашга ҳар биримиз масъулмиз.

**Нодиржон ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири**

**СУРАТДА:** Тажрибали устоз Гулбаҳор Кулмирзаева болалар билан машғулот пайтида.

# «Истиқлол фарзандлари» — эътибор ва эътироф намойиш



## ЁШЛАР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИДА

«Истиқлол фарзандлари» лойихаси доирасида ёшлар биринчи маротаба мамлакатимиздаги ҳар учала хокимиятнинг олий органи — Парламент, Вазирлар Мажхамаси, Олий суд фаолияти билан бевосита танишдишлар.

Дастлаб фестивал иштирокчилари Олий Мажлис Сенатидаги бўлди. Юкори палатанинг иш жараёни қандай ташкил этилганини кўрдилар. Шундан сўнг Сенатор Дамир Сидиков билан урашдишлар. Сухбатда демократик-хуқуқий давлат ҳамда очик фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшларниң ўрни ва роли хусусидан сўз борди. Шунингдек, кўриб чиқилиётган янги юнун лойихалари ҳакида ёшларга маълумот берилди.

Ёшлар фестивали кўтариники руда ўтмода, дейди Фарғона давлатуниверситети талабаси, Президент стипендиенти Шахбоз Усупов. — Биз, ёшлар бундай эътибордан фархланган холда давлатимиз раҳбарининг бигза билдириган ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қиялимиз. Имкониятдан фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятимни хам ўйла кўйганиман. Бугун ҳаётимда биринчи бор Сенат биносига кирдим. Барча қонун ҳужжатлари мана шу ерда тасдикланади. Сенат музейидаги экспонатлар эса юртимиздаги конун ижодкорлиги соҳасида кишига тўлиқ тасаввур беради.



қонунлар қандай қабул қилинади, конун муҳокамаларида кимлар иштироқ этади?

Ёшлар Олий Мажлис Конунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзолари билан урашув давомида кўйи палатанинг тарбийи тузиласи, кўмиталар иш фаолияти, қабул қилинётган қонунлар ижроси ва назорати, шунингдек, жорий йилги парла-

мент сайловлари тўғрисида маълумот олди. Ўз навбатида, ёшлар ҳам ўз таълиф-муҳоҳазаларини ўртоқлаши. «Софлом бола йили» давлат дастури доирасида истиқлол фарзандларидир. Фестиваль дастурига кўра, бу ёшлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси ҳукумат раҳбарининг ўринбосари Аҳам Икромов билан урашди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати таҳришибасида илк бор кузатилган бундай урашувлар манман деган давлатлар таҳришибасида камдан-кам учрайди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ўйлий бил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсанати амалга оширишга қаратилган кўшишимча чора-тадбирлар тўғрисида» ғарор асосида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариши куслардан экан. А.Икромов «Камолот» фаоллари жойларда тарғиботни баландпарвоз сўзлар билан

эмас, оддий ва таъсирчан усуслу олиб бориши, ушбу вазифани сидқидилдан адо этиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Урашув давомида ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, демократик жаҳранилар, конун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлашга караштагон чора-тадбирлар, уларнинг ташаббусларини кўллаб-куватлаш борасида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, Вазирлар Мажхамасининг иш фаолияти, тарқиби, хокимият бошқарувида ахборот технологияларининг роли ва истиқболлари ҳакида атрофлича маълумот берилди. Ёшлар тадбиркорлик, таълим, тиббиёт, туризм, ижтимоий мавзуларда узларни кизиқтирган саволларга жавоб олиб, ижтимоий лойиҳалари ва иммий ишлари билан ўртоқлаши.

### Гулноза Сиддикова



### «Энг намунали бошлангич ташкилоти» танлови голиби:

— Андикон маший хизмат касб-хунар коллежида ўқиймада. Фестиваль жуда ажойиб ўтди. Ониги, бу қадар юкори савиани кутмагандам. Янги ўкув йилидан бошлаш туманимизда соглас турмуш тарзи йўналишидан ташкиари, ёшларда Ватанга бўлган мухабbat туйғусини яняни қучайтиришга қаратилган «Истиқлол фарзандларимиз» тарғибот лойиҳасини амалга ошираман. Бизга улашилган байрам кайфиятини колган ёшларга, албатта, етказаман. Токи улар ҳам давлатимиз, Юртбошимиз биз ҳакимида қанчалик қайғураётганини янада чукуррек хис этсин.



дан бириман. Бундай имкониятта «Камолот» оларни эришидим. Фестивальда давомида янги билимларга эга бўлдик. Агар уларни ўз ишнимизда татбик этсан, фаолиятимни янада жонланади, — деди Пахтакор тумани хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидаги «Камолот» БТ етакчиси, «Энг намунали бошлангич ташкилоти» — 2013 танлови голиби Наргиза Пўлатовна.

### Шахло Салаева



### Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби (Хоразм вилояти):

— Анъанавий ижорчилик (мақом) йўналишида ижод қиласман. 2011 йилда давлат мукофотига сазовор бўлиб, Ўзбекистон давлат консерваторияси имтиёзиравиша ўқишига кирдим. Мен кўп фестивал, санъат байрамларидан йирик маданий тадбирларда катнашганим. Лекин бу йилги «Истиқлол фарзандлари» фестивалидек ёркин ва бетакор ёшлар форумини биринчи кўришим. Бу фестиваль ёшларни жиспаштиришга, иктидорли ва ташаббускор ёшлар сағини кенгайтиришга хизмат қиласми, деб ўйлайман. Республикаамизда бундай ёшлар кўп. Масалан, Фарғона вилоятидан 7-синф ўқувчиси Жасурбек Имомов ўттиздан зиёд мамлакат вакиллари катнашган Халқаро математика беллашувида иккита кўлгүй киритгани ёки ака-ука Жавохир ва Исломбек Синдоровларнинг ҳали мактаб ўқувчиши бўлатубриш шахмат бўйича жоҳондаги Осиё чемпиони бўлгани, бу йил эса хоразмлик тенгдошимиз Тошкент шахридан Москва давлат университети филиалига энг юкори балл ёшлар билан бир сафда эканимдан курсандман. Атрофимиздаги локайд, бўқимандалик кайфиятидан юрган айрим ёшларга карата айтмоқчимани: вактнинг ҳар бир дақиқанини фанимат биланг, ўқинг, изланинг, юртимиз равнанига хисса қўшинг. Зеро, келажак — бизнисидир.

## АКАДЕМИЯ БИЛАН ТАНИШУВ



### Алихон Ҳайруллаев



### «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси тренери:

— Оққўргон туманидаги агросонаот ва тадбиркорлик касб-хунар коллежида ўқиймада. Фестиваль жуда ажойиб ўтди. Ониги, бу қадар юкори савиани кутмагандам. Янги ўкув йилидан бошлаш туманимизда соглас турмуш тарзи йўналишидан ташкиари, ёшларда Ватанга бўлган мухабbat туйғусини яняни қучайтиришга қаратилган «Истиқлол фарзандларимиз» тарғибот лойиҳасини амалга ошираман. Бизга улашилган байрам кайфиятини колган ёшларга, албатта, етказаман. Токи улар ҳам давлатимиз, Юртбошимиз биз ҳакимида қанчалик қайғураётганини янада чукуррек хис этсин.



### Гулноза Сиддикова



### «Энг намунали бошлангич ташкилоти» танлови голиби:

— Андикон маший хизмат касб-хунар коллежида ўқиймада. Фестиваль жуда ажойиб ўтди. Ониги, бу қадар юкори савиани кутмагандам. Янги ўкув йилидан бошлаш туманимизда соглас турмуш тарзи йўналишидан ташкиари, ёшларда Ватанга бўлган мухабbat туйғусини яняни қучайтиришга қаратилган «Истиқлол фарзандларимиз» тарғибот лойиҳасини амалга ошираман. Бизга улашилган байрам кайфиятини колган ёшларга, албатта, етказаман. Токи улар ҳам давлатимиз, Юртбошимиз биз ҳакимида қанчалик қайғураётганини янада чукуррек хис этсин.



## ФИФА РЕФЕРИСИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Ёшлар фестивали доирасида «Эл-юрт ҳурмати» ордени, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий увонлари соҳиби, ФИФА рефериси, Осиёйнинг тўрт карра «Энг юхши ҳаками» Равшан Эрматов билан онлайн мулокот ташкил этилди. «Бунёдкор» стадионининг яшил майдонида бўлиб ўтган ушбу учрашувда фестиваль катнашчиларидан ташкиари, футбол ишқибозларининг ижтимоий тармоклардан ўйллаган саволларига ҳам жавоблар қайтирилди. Барча савол-жавоблар www.kamolot.uz сайти орқали он-лайн тарзида ёритиб борилди.



қўнглимага қаттиқ ботганди, лекин унга сездирмай ўз ишмени давом эттира-вердим. Ҳали ўзбек футболини бутун дунёга танитаман, дея ўз олдимга мақсад кўйдим. Шукри, Президентимизнинг спортга қаратаётган эътибор ва фамўлурлиги туфайли ҳамда тинимис меҳмани билан ҳалқаро тоифадаги ФИФА рефериси бўлдим. Энди мана-ман деган жамоалар яшил майдонларда ўзбек футбол мактабидан этишиб чиқаётган таҳрибали ҳакамларнинг қарорлари бўйинсоно.

Уч соат давом этган мулокотда бир-бирини тақрорламайдиган саволларга жавоблар олини.

— Мазкур фестиваль доирасида ўтка-зиллаётган лойиҳалар ранг-баранглариги билан хотиримага мухрланди, — дейди Фарғона олимпия заҳиралари коллежи ўқувчиси Зухра Ҳомидова. — Фестиваль якунда ҳакиқий кумирим бўлган ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан учраши турганимдан баҳтийерман. Нега-ки, бундай инсонлар билан кўришиб, биргаликда суратга тушиш иштиқодидан бўлган минглаб тенгдошларимни биламан. Уларга Тошкентдан кайтгач, фестиваль таассусотларимни, Равшан Эрматов билан бўлган учрашувни фахрланиб айтиб бераман.

— Бундан ўн йиллар олдин ҳакамлар учун Швейцариядаги ташкил этилган ўкув-семинарда, бир футбол ҳаками, қаерданисиз, деб сўраган эди, — дейди Равшан Эрматов.

— Ўзбекистон футболь федерациясининг ҳалқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматов ўзининг фут-бол оламига кириб келиши билан боғлиқ хотираларини жонлантириди.

— Бундан ўн йиллар олдин ҳакамлар учун Швейцариядаги ташкил этилган ўкув-семинарда, бир футбол ҳаками, қаерданисиз, деб сўраган эди, — дейди Равшан Эрматов.

— Фарғона тиббий коллежи ўқувчишинан. Жоғори йилда «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳасини вилоят координатори сифатидан ҳам фаолият олиб боярман. «Истиқлол фарзандларимиз» ёшлар фестивали давомидан турли соҳаларда баланд мэрраларга ёршишган ёшлар билан танишиб юртимиз истеъоддодларга нечоглик бой эканини кўрдим. Пойтахти ёшлар бизни ўзимизни кўрдим. Фестиваль дастурига киритилган ҳар бир тадбир фойдали ва аҳамиятли, дея оламан.



### Шоҳруҳ Сақов



Немис тили фанидан республика фан олимпиадаси голиби, волейбол бўйича мамлакат терма жамоаси аъзоси:

— Фарғона тиббий коллежи ўқувчишинан. Жоғори йилда «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳасини вилоят координатори сифатидан ҳам фаолият олиб боярман. «Истиқлол фарзандларимиз» ёшлар фестивали давомидан турли соҳаларда баланд мэрраларга ёршишган ёшлар билан танишиб юртимиз истеъоддодларга нечоглик бой эканини кўрдим. Пойтахти ёшлар бизни ўзимизни кўрдим. Фестиваль дастурига киритилган ҳар бир тадбир фойдали ва аҳамиятли, дея оламан.

Саҳифа материалларини  
Рустам ЮСУПОВ, Наргиза УМАРОВА, Кумар БЕГНИЯЗОВА тайёрлади.  
Рустам Назарматов олган суратлар.

# Кўлни кўлга бериб

Яқинда мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик байрами муносабати билан «Ягонасан, мукаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ёшлари иштирокида «Ёшлар марафони» ташкил этилди.

Мазкур марафонда иқтидорли тенгдошларимиз қаторида водийда яшовчи уюшмаган, меҳр-мурувватга муҳтоҷ болалар, кам таъминланган оиласалар ва хизмат бурчани бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, шунингдек, ички ишлар бўлими профилактик ҳисобида турдиган ёшлар иштирок этди.

## БИР МАНЗИЛ ТОМОН

Фарғоналик юз нафар тенгдошимиз маҳсус безатилган, ёшларнинг азму шижаотини акс эттирувчи шиорлар илинганд поездда дастлаб Наманган, кейин Андижон шаҳрига йўл олди. Жойларда тантанали кутиб олинган марафончилар сафига наманганлик ва андижонлик дўстлари кўшилди. Улар Марғилон темир йўл вокзалида миллий мусика садолари остида кутиб олинди.

Сўз олганлар «Ёшлар марафони» қатнашчиларини яқинлашиб келаётган кўтлуг айём — мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами билан қутлади. Маросим сўнгидаги фаол ёшларнинг «Ким эдиг-у, ким бўлдик?» шиори остида мурожаати қабул қилинди.

«Мұхтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг «Биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлатни қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижаатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, бугун ҳәттимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соглом ва баркамол авлодимизга ишонаман», деган сўзларидан куч олиб, Юртбошимиизга қанот бўйайлик!» дейилади ушбу мурожаатда.

## «ЁШЛАР ОРОМГОХИ»ДА

Марафонда қатнашувчи 240 нафар тенгдошимиз Кувасой шаҳридаги «Ниҳол» оромгохи таркибидағи «Ёшлар оромгохи»нинг очилиш маросимида иштирок этди.



Спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, маънавий-маърифий учрашувлар билан марафончилар вақти мазмунли ўтди.

— Мен жуда кўп нарсага қизиқаман, шунинг учун спорт мусобақасида ҳам, топқирлик беллашувида ҳам фаол бўлишга ҳаракат қилдим. Энг муҳими, фарғоналик ва андижонлик болалар билан танишиб, дўстлашдим, — дейди наманганлик Шодмонбек Жаҳонгиров.

## АҲМАД ФАРҒОНӢ СИЙМОСИГА ЭҲТИРОМ

«Ёшлар марафони»нинг учинчи куни барча иштирокчилар Фарғона шаҳридаги Аҳмад Фарғонӣ ҳайкали пойига гулчамбар кўйди. Аллома сиймосига авлодлар эҳтироми сифатида ташкил этилган ушбу маросимда фаол ва иқтидорли тенгдошларимиз сўз олиб, шу юрт фарзанди эканлигидан баҳтиёрик ва шукроналик ҳисси ифодаланган дил сўзларини баён этди.

Марафончилар орасида бадиий ижодга хавасманд йигит-



ўртасида «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ташкил этилди.

Юмор ҳисси ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Кувноқлар ва зукколар жамаоаларининг чиқишиларини кузатарканмиз, бунга яна бир марта амин бўлдик. Ҳар бир жамоа енгил қочирим, чиройли лутф, ҳазиллар билан муҳлислар кўнглига йўл топишга интилди. Ўз навбатида, томошабинлар ҳам қувноқ ва зукко ёшларни муваффақиятли чиқсан саҳналар учун самимий олқишлиди.

Танлов Фарғона вилоятининг «Қварц» жамоаси ғалабаси билан якунланди.

## ГЎЗАЛ ФАРҒОНА БҮЙЛАБ САЁХАТ

Марафон доирасида иштирокчилар мұхтарам Юртбошимиз тасдиқлаб берган Боз режага мувофиқ, Фарғона шаҳрида қад ростлаган янги ва замонавий бино, иншоотлар билан яқиндан танишдилар.

«Нефтчи» стадиони, минг кишилик санъат саройи, янги сув спорти ҳавзаси, «Камалак» болалар ўкув марказига саёҳат уштирилди.

Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлардан водийлик йигит-қизлар фахрланди.

## ДИЛТОРТАР НАВОЛАР — МАРАФОН «ФИНИШ»И

Фарғона шаҳридаги «Ёшлар марданият ва спорт маркази»да «Ягонасан, мукаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остидаги гала-концерт марафонга якун ясади.

Концертда Ўзбекистон Қаҳрамонлари, депутатлар, таникли шоир ва ёзувчилар, Зулфияномидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, ҳалқаро спорт мусобақалари ғолиблири, ёш олимлар, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ёшларидан иборат марафончилар, театр ва эстрада юлдузлари, уч мингдан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

Давлатимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрамини муносаби кутиб олиш ҳамда ёшлар орасида соғлом ижтимоий-маънавий мұхитни шакллантириш, ватанпарварлик түйғуси, бирдамлик ва ҳамжихатлини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш авлодни ҳалқимиз ҳамда миллий қадрияларимизга хурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш сингари эзгу мақсадларда ташкил этилган марафон водийлик тенгдошларимизнинг ёшлиқ ва дўстлик байрамига айланди.

**Дилнавоз Қўлдошева,  
«Камалот» ЁИХ Фарғона  
вилоят кенгаши матбуот  
хизмати котиби**

Avgust — hosilga hosil qo'shadigan davr

# Мехнатдан завқ олиб яшаётгандар

Дала — дехқоннинг қалби. Етишириладиган мўл ҳосил ана шу қалдан тўкилади гўё. Миришкор фақатгина соғ юрак билан далага бор меҳрини бахш эта олсагина мақсадига эришади. Пискентлик ёш фермер Зафар Сувонов ана шундай дехқонлардан.

хўжалиги мутахассисларининг ўйтларига амал қилган ҳолда дуруст натижаларга эришиди.

Эрта баҳордан бошланган саъ-



ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бериб, ёш миришкор 30,2 гектар ердан бир текис чигит ундириб олди. Ғўза қатор ораларига узлуксиз ишлов беришда, обихаёт билан таъминлашда Зафарбекка механизатор Мўмин Жўраев, илгор сувчилар Фурқат Отакулов, Ҳамид Қўчкоров, Норали Худойқулов, Ҳабибулла Абдулаев сингари шижаатли ёшлар кўмак берди.

Фермер хўжалиги аъзоларининг шашти баланд. Август —

ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой эканлигини чуқур англаб етган замин заргарлари айни шу кунларда ғўзани кондириб сугоришга, керакли ўйтлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишган.

— Кўп йиллардан бери дехқончилик билан шуғулланиб келаётган миришкорлар тажрибасига суняниб кам бўлмаяпмиз. Айни дамда сугоришни тунда ўтказамиш, — дейди Зафар Сувонов иш жараёни ҳақида сўзлар ёкан. — Чунки гўза

кечаси мириқиб сув ичади, зарур озуқалар билан бойибди. Қолаверса, эгатларга маҳаллий ўйтлардан фойдаланган ҳолда шарбат оқизяпмиз. Бу ҳам ҳосилдорликни оширишда катта самара бериши шубҳасиз.

Ўтган йили фермер хўжалиги аъзолари гектаридан қирқ центрнега яқин пахта етиштирган эди. Бу йил ҳосилдорликни 45 центрнега ошириш ниятида.

**Ашурали БОЙМУРОД,  
«Turkiston» мухбири**

Болалигидан ўзининг шахсий хўжалигига эга бўлиши орзу қилган Зафар ерга, она заминга меҳр билан қарайди. Бўлажак тадбиркор 2012 йилда давлатдан 50,9 гектар ер олиб, «Сувонов Зафар» фермер хўжалигига асос солди. Тажрибали дехқонлар, қишлоқ

Taassurot

# «Деворингда боболарим излари бордир...»

*Иқбол Мирзо шеърларида Ватан ва истиқлол мадҳи*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмон ижод уйида ўтказилган ёш ижодкорлар семинарида элимиз ардоғидаги кўплаб шоир ва ёзувчилар билан учрашиб, гурунгидан баҳраманд бўлган эдик. Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ўшанда менга «Агар жаннат кўкда бўлса...» шеърий тўпламини тухфа этганди. Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари мавж уриб турган шеърларни ўқиб...

Мутолаа завқи, унинг таассуроти мени кўйдаги сўзларни битишига унади.

Шоир шеърларини таҳлил қилиш жараёнида янгидан-янги ўхшатишлар, халқона иборалар, шеърий санъатларни топишимиз мумкин. Мафтункор юртимиз, мустақилларни мадҳ этилган шеърлари кўшик бўлиб янгратмоқда. Қайта-қайта мутолаа қилгингиз, кўшиғини тинглагингиз келаверади. «Айтгил, дўстим...» мана шундай шеърларидан бири:

Бошинг эгиг, таъзим айла,  
шукронга айт,  
Сени гулдек эркалаган чаман учун.  
Осмонларда юрган бўлсанг,  
тупроқга қайт,  
Айтгил, дўстим,  
нима қилдик Ватан учун?

Бу сатрлар Озод Шарафиддиновнинг «Ўлсам айримасман қучоқларингдан» мақоласидаги кўйдаги фикрларга монанд эмасми? «Мен бунга баъзан ўзимда йўқ хурсанд бўлман, Яратганга бедад шукрон қиласман, баъзан эса, Ватанинг менга кўрсатган беҳисоб иноятларига, эл-юрга ардоғига мунособи жавоб берга олаётганим йўқ, Ватан олдидағи фарзандлик бурчимни тўла ўтажмайманни, деб ўқиниб қўяман. Бу ўқинч мени кўп нарсалар тўғрисида ўйлашга ундаиди».

Ойбекнинг мана бу жумлаларидан ҳам тегишли хулоса чиқариш мумкин: «Лиреканинг эмоция воситалари кучли, баъзан узун романдан, фактлар билан тўлган ҳар хил ёзувлардан кўра кичкина бир шеър кучлироқ, давомлироқ таъсир қолдира билади». Иқбол Мирзонинг шеърлари ҳам шеърият шайдоларига Ойбек айтганидек «кучли таъсир қолдира билади».

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,  
Тупроқ учун, шу юрга учун,  
чаман учун,  
Улуғ инсон бошлаб берган  
шу йўл учун,  
Айтгил, дўстим,  
нима қилдик Ватан учун?

Биринчи сатрдаги «оқ» ва «қора» мумтоz адабиётда тазод, замонавий адабиётда эса антитетани ҳосил қиласми.

борли томони шундаки, қўлига қалам ушлаган ҳар бир ижодкор доимо уларни қўллаган. Аммо Иқбол Мирзо бу сўзни «юраги оқ» деб ишлатишни маъкул кўрди. Бу ҳам шоирнинг ижодий қирраларини очиб берувчи бадиий кашфиётлардан бири. Иккинчи сатрдаги «тупроқ», «юрга», «чаман» сўзлари таносуб санъатини ҳосил қилганига гувоҳ бўламиш.

Қачонгача қорнинг ўйлаб  
үтадирсан,  
Қачонгача кўқдан чалпак  
кутадирсан?  
Ахир, Ватан битта,  
сен ҳам биттадирсан,  
Айтгил, дўстим,  
нима қилдик Ватан учун?

Биринчи ва иккинчи сатрда шоир оммага риторик сўроқ билан мурожаат қилмоқда. Учинчи сатрда Ватан ва инсонни ёнма-ён тасвирлаш орқали ижодкор инсон ва Ватан бир-бисиз яшай олмаслигини исботлаб, параллелизм санъатидан фойдаланган.

Қачон белни маҳкам тортиб  
боғлагайсан?  
Айтгил, дўстим,  
нима қилдик Ватан учун?

«Белни маҳкам тортиб боғлаш» — халқона ибора. Халқ достонларида бундай ибора кўп кўлланилади.

Ҳар бир юртдошимизнинг юраги Ватан дея урсин. Зоро, Юртбошимиз айтганидек: «Ватан менга нима берди деб эмас, мен Ватанга нима бердим деб яшамоқ лозим».

Ҳар гал Мустақиллик байрамини кенг миқёсда нишонлаётганимизда мана бу кўшиқ кишини оҳанрабодек ўзига тортади. Ватан меҳри шу кўшиқ билан вужудимизга сингган.

Олисдаги маҳмадона,  
эй эски олчоқ,  
Менга қандай яшамоқни  
ўргатмагин сен!  
Ўзингга бок,  
кеин майли ногорангни қок,  
Менга қандай яшамоқни  
ўргатмагин сен!

Бундай саодатли кунларга осонликча ёришганимиз йўқ. Барчасига халқимизнинг бирдамлиги туфайли ёришганимиз.

Озод юрга фарзандлари оқни қордан, яхшини ёмондан осонгина фарқлай олади.

Хеч ким бизнинг шон-шуҳратимизни, қудратимизни тортиб ололмайди. Ижодкорнинг тили билан айтганда, «ески олчоқ» бизга қандай яшашни ўргатомайди. Аксинча, биз, озод юрга фарзандлари нималарга қодир эканлигимизни исботлаймиз.

Китобингда даҳоларим  
сўзлари бордир,  
Деворингда боболарим  
излари бордир,  
Ўзбек элин эту тирноқ  
дўстлари бордир,  
Менга қандай яшамоқни  
ўргатмагин сен!  
Дала-даштлар ўз-ўзидан  
Эрам бўлмагай,  
Лекин сендан беминнат  
бир карам бўлмагай,  
Ўзбек эли ҳеч кимсага  
қарам бўлмагай,  
Менга қандай яшамоқни  
ўргатмагин сен!

Ҳақиқатан ҳам, дала-даштлар ўз-ўзидан Эрам боғига айланиб қолмайди, фаровон турмуш, жаннатмонанд юрга кишиларнинг меҳнати, бунёдкорлик хислати, ахиллиги меваси ўлароқ, барпо бўлгай. Ифтихор туйғусини бизга умрбод ҳадия этган мана бу пурмашно сўзлар ҳар бир юртдошимиз қалбини ана шундай юксак инсоний фазилатларга лиммо-лим тўлдирганинг шубҳасиз: «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз, кам бўлмаймиз ҳам!». Эътибор беринг-а, Иқбол Мирзонинг мана шу туйғу — ифтихордан чинакам маст бўлган шоир экани «Ўзбек эли ҳеч кимсага қарам бўлмагай» сатрларидан ҳам сезилиб турибди.

Нодар Думбадзенинг «Эллада» ҳикоясини кўпчилик ўқиган. Эсласангиз, унинг қаҳрамони Янгули шундай дейди: «Ватан ичкарироқда, нақ юракнинг ўзида!».

Ватанини қалб қўрида асрайдиган ва уни ижодида куйлайдиган шоир Иқбол Мирзо шеърларини ўқир экансиз, улардаги бадиийлик, санъат билан бирга биз, ёшларни шу азиз юртни яна ҳам кучлироқ севишга, ардоклашга чорловни ҳам илғайсиз...

**Маликабону ТОЛЛИБОЕВА,  
Самдӯ қошидаги академик лицей  
ўқувчиси**

Diqqat, tanlov!

## «ЎЗБЕКИСТОН — ЯГОНА ВАТАН!»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда иқтидорли ва ижодкор ёшлар, ёш рассом, шоир ва ёзувчиларни аниқлаш, уларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш ва рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон — ягона Ватан!» танловини эълон қиласди.

Танлов:

- шеърият
- наср
- рассомчилик ва дизайн йўналишларида ўтказилади.

«Ўзбекистон — ягона Ватан!» танловида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган китоби чоп этилмаган иқтидорли ёшлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов голиблари асарлари Ташкилий қўмита қарорига асосан етакчи нашриётларнинг 2014-2015 йилги режаларига киритилади ва ҳомийлик асосида нашр этилади.

«Ўзбекистон — ягона Ватан!» танловига ишлар 2014 йилнинг 15 августидан 15 сентябрингача қофоз ва электрон кўринишда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига юборилиши лозим.

**Манзил: Тошкент — 100129,  
Навоий қўчаси 30-уи.  
Мурожаат учун телефон:  
(8-371) 244-32-33, 244-12-61**

## «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБИ»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги 2014 йил август — октябр ойларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишилаб «Йилнинг энг яхши китоби» VI Республика қўрик-танловини эълон қиласди. Қўрик-танлов кўйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

1. «Ижтимоий-сиёсий адабиёт»;
2. «Ватан тарихи»;
3. «Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти»;
4. «Болалар ва ўсмирлар адабиёти»;
5. «АРТ китоб».
6. «Маънавий-маърифий адабиётлар».
7. «Илмий-фундаментал асарлар, энциклопедик нашрлар».

Нашириётлар ушбу қўрик-танловда ҳар бир номинация бўйича бирданига бир неча номдаги китоб маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин.

Қўрик-танловга тақдим этилаётган нашрлар 2014 йилнинг 20 октябрингача қабул қиласми.

Танлов голиблари ташкилий қўмита томонидан 2014 йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон матбуоти» IV Milliy кўргазмаси тадбирлари доирасида мукофотланиб, уларга танловнинг маҳсус дипломлари тантанали равишда топширилади.

Қўрик-танловга тақдим этилаётган китоблар бир нусхадан қўйидаги манзил бўйича: Тошкент — 100129, Навоий қўчаси 30-уи, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига юборилсин.

**Мурожаат учун телефонлар:  
(8-371) 244-12-61, 244-31-85.**



# Тўйга тўёна билан

Ажойиб одатимиз бор: тўйга тўёна билан. Яқинлашиб келётган Мустақиллик куни ҳам барчамиз учун катта тўй, шодиёна. Байрам муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати республика бўйлаб «Ватанимга менинг тухфам» акциясини ўтказмоқда. Унда ҳар бир йигит-қиз касби-коридан қатъий назар, ўз ижодий иши билан қатнашиши мумкин. Байрам тухфаларида 23 тасвири рамзий белги сифатида туширилади. Лойиха 23 авгуиста қадар давом этади.

Яқинда пойтактимида бўлиб ўтган «Истиқтол фарзандлари» ёшлар фестивали доирасида эса акция давомида тақдим этган ижодий ишлар кўргазмаси ташкил этилди. Юртимиз вилоятларининг ўзига хос колоритини ифодаловчи ҳунармандлик буюмлари, болалар яратган заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, лак-миниатюра, тасвирий санъат асарлари, миллий ўйинчоқлардан тортиб замонавий иншоотларнинг митти макетларигача ва яна ўнлаб турфа буюмлар ёшларнинг иқтидорини сўзсиз ифодалаб бергандек гўё.



Қашқадарёлик ҳунармандларга ҳам тассано! «Ватанимга менинг тухфам» акцияси ҳақида эшитган чироқчилик гиламдўз қизлар кўргазмага энг сара ишларини юборибди. Жундан тўқилган шолча ва гиламлар, қизлар учун турли бичимдаги сумка ва ҳамёнлар кўзингизни қувнатади.



Тошкентлик Мухаммадамин Манноловнинг мана бу тўёнаси ҳар қандай байрам дастурхонининг кўрки бўла олади. Мухаммадамин 5-синфда ўқиди. Карвинг санъатини мактабда ўрганган. Турли мева ва сабзавотлардан ажойиб композициялар яратиш унга чўт эмас. Кўл ҳаракати илиа юм-юмалоқ тарвуз бир зумда лаззатли «шедевр»га айланади. Маҳоратингга қойил, болакай!



Ёш ижодкорлар билан «Turkiston» мухбири Наргиза УМАРОВА танишди.  
Рустам Назарматов олган суратлар.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

«Булар ҳаммаси бой, қўйли, туяли, молининг сони йўқ эди; буларнинг ичидан моли йўқ деган камбағалнинг қирқ минг туси бор, қўйининг сони ададсиз, ўзлари ҳам билмас эди. Ўра-ўра, бир қўра, икки қўра, ўн қўра қўй, деб санагани шул эди».

Мазкур матн қайси достондан олинган, унда қайси элнинг давлати таърифланмоқда?

Жавобингизни **19 август соат 16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган муҳлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:  
Самаркан шаҳри.

Тошкент шаҳридан Давлат Исмоилов тўғри жавоб йўллади.

	Чакалоқ ўраланишган чойшаб	→	↔		↔		↔	...	секин	↗		↔		↗
	Ромашка (шевада)		Пассажир (ўзбекча)		Ўйинчи қиз		Катта, улкан	↓	Молмұлк, күч-кўрон	Бўрттирма гап		Шўр бодринг		
				Mirkarim ... (адиб)		... электр стансияси (АЭС)	↗					Лаб, аудоқ		
	Сазан, лакқа		Қад-..., гавда	→	↓		↓		Мактаб босқичи	Туберкулэз	→	↓		
					Xунук, бад-башара	→		↗						
	Хўқиз, буқа		Одми, камтар	→					Сен (шевада)		Усти ёпиқ базор	→		
	Жабру-...	→				Aқш штати	→							

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиха доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 18 август** куни «Камолот» ЁИХ

Тошкент вилояти кенгаши раиси **Одил Тохиев** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларнинг мумкин манзили [savol@turkiston.uz](mailto:savol@turkiston.uz) электрон манзили ёки (+99871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларни совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намоён этишга шошилинг.

### YONDAFTARCHANGIZGA

Дунёдаги энг баҳтили инсон — ўзини бошқаларга таққосламасдан яшайдиган инсонdir.

Тошкент вилоят давлат педагогика институти томонидан 1993 йилда Худайбергенова Лолаҳон Парпитаевнага берилган ФВ № 979212 рақамли диплом йўқолгани туфайли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани БТИ томонидан Соткулова Маърифатхон Тоҳтаполатовна номига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Лисунова-1 73-йи 23-хонадон учун расмийлаштирилган уй плани ва кадастр хужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.